

---

## ЎЗЎВОН НАМУНАЛИ ТУМАНГА АЙЛАНАДИ

Ўзёвон туманида кейинги пайтларда амалга оширилаётган ижобий ишлардан барча юртдошларимиз хурсанд. Президентимиз топшириғига асосан Бош вазир ўринбосари Жамшид Қўчқоров бошчилигида Ўзёвон туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича пойтахт-Тошкент шаҳри, вилоятдан келган нуфузли ишчи гуруҳи аъзолари иш олиб борапти. Туман ҳокимлиги мажлислар залида ишчи гуруҳ аъзолари иштирокида йиғилиш бўлди.

Йиғилишда Ўзбекистон иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг ўринбосари – Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги директори Мирзоҳид Убайдуллаев сўзга чиқиб, Ўзёвон туманининг ривожлантириш имкониятлари ҳақида гапирди. Шунингдек нотик инфратузилма, саноат, туризм, бозорлар, истироҳат боғи, урбанизация, мастер-режа, ижтимоий соҳа, обод ва хавфсиз маҳалла йўналишлари бўйича амалга ошириладиган ишлар ва уларга масъулларни бириктирди. Ўзбекистон иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг ўринбосари Жамшид Аbruев лойиҳалар амалга ошириб, Ўзёвон тумани республикада намунали маскан бўлишига эътибор қаратиб, таклиф ва ғоялар қанча кўп бўлса, яхши эканини айтди. Йиғилишда вилоят ҳокими ўринбосарлари Хожиқўзижон Исақов, Алибек Турсунов иштирок этдилар. Ишчи гуруҳ аъзолари жойларда бўлишиб, лойиҳалар бўйича таклифларни ўрганиб, қизғин иш олиб боришапти.

Ўзёвон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.

2023-05-04 17:28:49